

## ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига республика доимий аҳолиси сони 32 900,1 минг кишини ташкил этиб, йил бошига нисбатан 243,4 минг кишига ёки 0,7 % га ўсди.

Шу билан бирга, шаҳар аҳолиси сони 16 646,1 минг кишини (жами аҳоли сонига нисбатан 50,6 %), қишлоқ аҳолиси сони 16 254,0 минг кишини (49,4 %) ташкил этди.


### Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2018 йил 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, %		
	Жами	шу жумладан:		Жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>32 900,1</b>	<b>16 646,1</b>	<b>16 254,0</b>	<b>101,7</b>	<b>101,5</b>	<b>101,9</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 853,5	910,8	942,7	101,4	101,3	101,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3 032,3	1 586,5	1 445,8	101,7	101,5	101,8
Бухоро	1 881,3	701,4	1 179,9	101,5	101,0	101,8
Жиззах	1 337,0	627,3	709,7	101,9	101,7	102,1
Қашқадарё	3 175,0	1 368,6	1 806,4	102,0	101,9	102,0
Навоий	964,7	469,8	494,9	101,6	101,2	101,9
Наманган	2 720,4	1 757,0	963,4	101,8	101,7	102,0
Самарқанд	3 753,3	1 400,4	2 352,9	102,0	101,5	102,3
Сурхондарё	2 537,9	900,8	1 637,1	102,1	101,9	102,3
Сирдарё	821,9	351,9	470,0	101,6	101,2	101,9
Тошкент	2 876,7	1 418,3	1 458,4	101,2	101,0	101,3
Фарғона	3 644,9	2 063,0	1 581,9	101,6	101,4	101,8
Хоразм	1 815,3	604,4	1 210,9	101,6	101,4	101,7
Тошкент шаҳри	2 485,9	2 485,9	х	101,7	101,7	х

Республика ҳудудлари кесимида 2018 йил 1 июль ҳолатига энг кўп аҳоли сони Самарқанд вилоятида 3753,3 минг кишини (республика аҳоли сонигаги улуши 11,4 %), Фарғона вилоятида 3644,9 минг кишини (11,1 %), Қашқадарё вилоятида

3175,0 минг кишини (9,7 %) ва Андижон вилоятида 3032,3 минг кишини (9,2 %) ташкил этди.

**Худудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**  
(2018 йил 1 июль ҳолатига республика жами аҳолисига нисбатан, % да)




**Республикада аҳолининг табиий ҳаракати кўрсаткичлари  
ва коэффициентлари  
(январь-июнь)**

Кўрсаткичлар	Минг киши		1000 аҳолига нисбатан	
	2017 йил	2018 йил	2017 йил	2018 йил
Туғилганлар	311,8	324,3	19,5	20,0
Ўлганлар	78,7	75,6	4,9	4,7
шу жумладан: 1 ёшгача ўлган болалар	3,9	3,5	11,0 <sup>1)</sup>	9,8 <sup>1)</sup>
Никох, минг	96,4	104,9	6,0	6,5
Ажрим, минг	15,6	16,4	1,0	1,0

**Туғилиш.** 2018 йил январь-июнь ойларида 324,3 мингта бола туғилганлиги қайд этилган бўлиб, 2017 йилнинг мос даврига ( 311,8 минг бола) нисбатан 12,5 минг болага кўпайди, туғилиш коэффициенти 20,0 промиллени ташкил этди.

**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари  
(2018 йил январь-июнь, 1000 аҳолига, промилле)**



<sup>1)</sup> 1000 туғилганга


Туғилиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Тошкент шаҳрида (16,5 промилледан 17,1 промиллега), Самарқанд (21,0 промилледан 22,9 промиллега), Қашқадарё (21,4 промилледан 22,4 промиллега), Жиззах (21,9 промилледан 22,8 промиллега), Тошкент (17,9 промилледан 18,5 промиллега), Бухоро (17,2 промилледан 17,5 промиллега) вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикаси (18,2 промилледан 18,5 промиллега) қайд этилди.

Туғилиш коэффициентининг пасайиши Навоий (19,8 промилледан 19,1 промиллега), Хоразм (16,7 промилледан 16,2 промиллега), Сирдарё (20,5 промилледан 20,1 промиллега) ва Андижон (19,4 промилледан 19,3 промиллега) вилоятларида қайд этилди.

Шу билан бирга, туғилиш коэффициентининг юқори даражаси Сурхондарё (23,6 промилле), Самарқанд (22,9 промилле), Жиззах (22,8 промилле) ва Қашқадарё (22,4 промилле) вилоятларида кузатилди.

2018 йилнинг январь-июнида туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича 31,6 % и биринчи болага (2017 йил январь-июнь ойларида - 34,1 %), 36,6 % и иккинчи болага (2017 йил январь- июнь ойларида - 35,9 %), 31,8 % и учинчи ва ундан кўп болага (2017 йил январь- июнь ойларида - 30,0 %) тўғри келди.

#### Туғилганларнинг туғилиш тартиби бўйича тақсимланиши, %



**Ўлим.** 2018 йил январь-июнь ойларида ўлганлар сони 75,6 минг кишини ташкил этиб, 2017 йил январь-июнь ойларига нисбатан (78,7 минг киши) 3,1 минг кишига камайди, мос равишда ўлим коэффициенти 4,7 промиллени ташкил этди (2017 йил январь-июнда - 4,9 промилле бўлган).


Ўлим коэффициенти ўсиш даражаси биргина Тошкент вилоятида (5,7 дан 5,8 промиллега) кузатилди.

Ўлим коэффициентининг паст даражаси Жиззах, Қашқадарё, Хоразм (4,1 промилле), Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё (4,2 промилле) вилоятларида қайд этилди.

Рўйхатга олинган жами ўлганларнинг 61,3 % и қон айланиш тизими касалликларидан, 9,3 % и ўсимталардан, 5,6 % и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 5,5 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 4,3 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 1,5 % и юқумли ва паразитар касалликлардан ҳамда 12,5 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

### Ўлганларнинг асосий ўлим сабаби бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан),%



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йил январь-июнь ойларида 1 ёшгача болалар ўлими 3,5 минг нафарни ташкил этиб. Гўдақлар ўлими коэффиценти 9,8 промиллени (2017 йил январь-июнда - 11,0 промилле бўлган) ташкил этди.

Гўдақлар ўлими коэффицентининг юқори даражаси Қорақалпоғистон Республикасида 16,1 (1000 тирик туғилганга), Тошкент шаҳрида 13,9, Андижон 14,5, Хоразм 11,2, Сирдарё 11,0 ва Наманган 10,8 вилоятларида кузатилди.

Рўйхатга олинган 1 ёшгача жами ўлган болаларнинг 59,6 % и перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 16,8 % и нафас олиш аъзолари касалликларидан, 12,9 % и туғма аномалиялардан, 2,0 % и юқумли ва паразитар касалликлардан, 2,2 % и бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва жароҳатланишлардан, 0,8 % и овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларидан, 5,7 % и бошқа касалликлардан вафот этган.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида дастлабки маълумотларга кўра 70 та оналар ўлими ҳодисаси қайд этилиб, оналар ўлими коэффиценти эса 21,6 ни (100 минг тирик туғилганга) ташкил этди.


Оналар ўлими коэффицентининг юкори даражаси Сурхондарё 40,6 (100 минг тирик туғилганга), Жиззах 39,8, Тошкент 26,7 вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 29,5 ва Тошкент шаҳрида 28,6, қайд этилди.

Жами вафот этганларнинг 7,3 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - июнда – 7,8 %), 26,7 % и - меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга (2017 йилнинг январь - июнда – 26,7 %) ва 66,0 % и меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар (2017 йилнинг январь - июнда – 65,5 %) ҳиссасига тўғри келди.

Вафот этганларнинг асосий қисми, яъни 66,0 % ини меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдаги аҳоли ташкил этган.


### Ўлганларнинг асосий ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(жами вафот этганларга нисбатан), %



**Никоҳ ва ажримлар.** 2018 йилнинг январь-июнь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 104,9 мингта никоҳ ва 16,4 мингта никоҳдан ажралишлар қайд этилган бўлиб, 1000 аҳолига нисбатан никоҳ тузиш коэффиценти 6,5 промиллени (2017 йил январь-июнда - 6,0 промилле бўлган) ва никоҳдан ажралиш коэффиценти 1,0 промиллени (2017 йил январь-июнда - 1,0 промилле бўлган) ташкил этди.

**Никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралишлар коэффицентлари**  
(2018 йил январь-июнь, 1000 аҳолига, промилле)



Никоҳ тузиш коэффицентининг сезиларли даражада ўсиши Қорақалпоғистон Республикаси (7,5 дан 8,0 промиллега), Тошкент шаҳри (5,7 дан 6,2 промиллега), Жиззах (5,1 дан 6,1 промиллега), Сирдарё (5,0 дан 6,0 промиллега), Андижон (5,2 дан 6,1 промиллега), Тошкент (5,5 дан 6,2 промиллега) ва Фарғона (5,5 дан 6,2 промиллега) вилоятларида кузатилди.

**Никоҳ ва ажримлар сони**  
(январь-июнда, минг. бирлик)

	<i>Никоҳлар</i>		<i>Ажримлар</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>96,4</b>	<b>104,9</b>	<b>15,5</b>	<b>16,4</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	6,8	7,3	0,7	0,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	7,7	9,1	1,6	2,0
Бухоро	6,1	6,0	0,9	0,9
Жиззах	3,3	4,0	0,5	0,6
Қашқадарё	8,8	9,2	0,9	0,9
Навоий	2,8	2,9	0,6	0,5
Наманган	6,6	6,9	1,2	1,2
Самарқанд	11,4	11,9	1,8	1,9
Сурхондарё	8,7	9,4	0,8	1,0
Сирдарё	2,0	2,5	0,5	0,6
Тошкент	7,7	8,8	1,8	1,9
Фарғона	9,7	11,2	1,7	1,7
Хоразм	8,0	8,0	0,7	0,5
Тошкент ш.	6,8	7,7	1,8	2,0

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 83,3 минг кишини, кўчиб кетганлар сони эса 88,6 минг кишини ташкил этди.

Шунга мувофиқ, миграция сальдоси минус 5,3 минг кишини ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 9,6 минг кишини ташкил этган.

Миграция сальдосининг юқори даражаси Тошкент (минус 2,6), Қашқадарё (минус 2,1), Самарқанд (минус 1,5), Бухоро (минус 1,2) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (минус 1,7) қайд этилди.

Миграция сальдоси ижобий даражаси Тошкент шаҳрида (плюс 8,0) кузатилди.



**Аҳоли миграцияси**  
(январь-июнь, минг киши)

	<i>Келиш</i>		<i>Кетиш</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2018 й.</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>82,5</b>	<b>83,3</b>	<b>92,1</b>	<b>88,6</b>	<b>-9,6</b>	<b>-5,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	6,0	5,7	8,1	7,4	-2,1	-1,7
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	3,3	3,5	4,4	4,3	-1,1	-0,8
Бухоро	3,4	3,1	4,5	4,3	-1,1	-1,2
Жиззах	5,0	5,8	5,4	6,1	-0,4	-0,3
Қашқадарё	5,7	5,9	7,8	8,0	-2,1	-2,1
Навоий	6,9	6,5	7,0	6,9	-0,1	-0,4
Наманган	2,1	2,4	2,8	3,0	-0,7	-0,6
Самарқанд	5,1	6,6	7,8	8,1	-2,7	-1,5
Сурхондарё	6,9	6,8	7,8	7,4	-0,9	-0,6
Сирдарё	4,1	4,4	4,6	4,7	-0,5	-0,3
Тошкент	10,2	9,7	14,0	12,3	-3,8	-2,6
Фарғона	6,7	6,6	7,9	7,3	-1,2	-0,7
Хоразм	3,9	3,4	4,4	3,9	-0,5	-0,5
Тошкент ш.	13,2	12,9	5,6	4,9	7,6	8,0

Шунингдек, дастлабки маълумотларга кўра 2018 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистонга хорижий мамлакатлардан доимий яшаш учун кўчиб келганлар сони 1,3 минг кишини, Ўзбекистондан хорижий мамлакатларга доимий яшаш учун кўчиб кетганлар сони эса 6,6 минг кишини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасига хорижий мамлакатлардан кўчиб келганларнинг асосий қисми Қозоғистон Республикаси (жами хориждан кўчиб келганларга нисбатан 31,6 %), Тожикистон Республикаси (30,3 %), ва Россия Федерацияси (25,2 %) ҳиссаларига тўғри келди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижий мамлакатларга кўчиб кетганларнинг асосий қисми Россия Федерацияси (жами хорижга кўчиб кетганларга нисбатан 46,9 %) ва Қозоғистон Республикаси (46,2 %) ҳиссасига тўғри келмоқда.